ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 19 (297) 2002 йил 8 май чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами - 9 май - Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 57 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 9000 (тўққиз минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда тўланишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш топширилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 май



ХОТИРА ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистонимизнинг ҳамма ҳудудларида митинг ва йиғилишлар ўтказилди. Бундай митингларда меҳнаткашлар урушни қаршлаб, унга қарши кучларини сарфлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ўзбек хонадонлари фарзандлари фронтга кетдилар. Ўзбек оилалари уруш йилларида гарчи ўзлари ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий ёрдамга муҳтож эканликларига қарамасдан ўзларининг инсонпарварлик мурувватларини дариғ тутмадилар. Халқимиз ана шу суронли йилларда жангоҳларда жон бериб, жон олаётган жангчиларимиз ва уларнинг оилалари учун ўша иқтисодий-ижтимоий оғир даврларда, муҳим аҳамият касб этган катта миқдордаги хайр-эҳсон ишларини амалга оширдилар.

Урушнинг биринчи кунларидаёқ ўзбек халқи мудофаа фондига жами 30 миллион сўм пул, қимматли буюмлар, заём облигацияларини, деҳқонлар эса 2389 центнер дон, 1808 центнер гўшт, 200 центнер жун, 325 центнер қуруқ мева, 430 центнер сабзавот маҳсулотларини топширдилар.

Бундан ташқари, турли корхоналар ва муассасаларнинг жамоалари мамлакатнинг мудофаа фондига ўзларининг бир кунлик, икки кунлик ва уч кунлик иш ҳақларини ўтказиб турдилар.

Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинган 200.000 болани қабул қилди.

Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛА ҲАЁТИ ВА ТАҲЛИЛИ

ОЛДИНГА БОСИЛГАН ҲАР ҚАДАМ

яхшиликка йўл очади

Катта мақсад йўлида илгарилаш учун етарлича куч, салоҳият, ақлу идрок ва саъйи-ҳаракат зарур бўлади. Кишиларимиздаги ана шундай имкониятлар истиқлол йилларида яққол кўзга ташланди. Ўзимиз яшаётган маҳалла учун жон куйдиришни, унинг ташвишу муаммоларига аралашишни ўргандик. Эндиликда маҳаллалар ҳар биттамизнинг кўмагимиз, бошқарувимиз, фидойилигимиз туфайли янада обод ва гўзал масканга айланмоқда. Олдинга босилган ҳар қадам яхшиликка йўл очгандек, гуллаб-яшнаётган ҳар бир маҳалла ҳам юртимиз чиройини ўн чандон оширади. Бугунги кунда ибрат қилиб кўрсатса арзигулик маҳаллалар жуда кўп. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси Аъзам Гадойбоев етакчилигидаги гуруҳнинг Навоий ва Сурхондарё вилоятларига уюштирилган бир неча кунлик сафари давомида бунга ишонч ҳосил қилинди.

***

НАВОИЙ вилоятининг Кармана туманидаги Деҳқон маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Раҳима Комилова), Навоий туманидаги Нарпай қишлоқ фуқаролар йиғини (раиси Тўрақул Мирзаев) ҳудудларига кирадиган қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси илгариги йилларга нисбатан батамом ўзгариб кетди. Бу ерда яшовчиларга телефон алоқаси хизмати янада яхшиланди, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган кичик корхоналар очишга киришилди. Маҳаллаларда новвойхона ҳамда барча турдаги маиший хизмат шахобчалари мавжуд. Ёш авлод тарбиясига оид ишлар олдиндан белгиланган режаларга кўра амалга оширилади. «Маҳалла - мактаб - оила» ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган. Кейинги йилларда бу жойларда спортнинг янада жонлантирилаётгани қувонарли. Чунки, спорт кишиларни чиниқтириш, саломатлигини яхшилаш баробарида уларга ақлий имкониятлар ҳам яратади. Спорт билан доимий шуғулланган киши ҳаётий тамойилларни чуқур тушунади. Маҳалла ва қишлоқларда яшаётган ёшларни спортга жалб этишда Навоий шаҳридаги «Алпомиш» спорт саройи, сузиш ҳавзалари ҳамда шунга ўхшаш спорт иншоотларидан фойдаланилмоқда. Ёшлар орасида спортнинг кўпгина турлари бўйича чемпионлар етишиб чиқаётгани маҳалла ва қишлоқларимиз обрўсини янада ошираётир.

Асосан чўл ва даштлардан иборат бўлган Зарафшон, Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари маҳаллаларида ишлар қандай йўлга қўйилган? Маълумки, ҳар қандай шароитда ҳам кишилар ўртасида ўзаро жипслашув барқарор бўлса, иш яхши кетади. Тўғри, ютуқлар баробарида хато-камчиликлар ҳам мавжуд. Чўл шароитида яшовчи маҳаллалар аҳли, айниқса чўпон-чўлиқларга яратилган меҳнат шароитларини кўнгилдагидек ташкил этмоқ керак. Овулларда тушунтириш-тарғибот ишларини, хусусан тиббий ва ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар уюштириб бориш зарур. Шунингдек, Хатирчи, Навбаҳор ва Нурота туманлари маҳаллаларида баҳор серёғин келгани боис зарар кўрган бинолар бор. Уларни ҳашар йўли билан тиклаш, бу борада маҳаллалар оқсоқоллари ва фаолларининг куч ва мададига таяниш лозим бўлади. Дашт ҳудудларидаги маҳалла ва қишлоқларда аёлларга, болалар ва кексаларга тўланадиган нафақаларни эгаларига етказиб беришда қийинчиликлар сезилади.Маҳалла посбонларининг кўпчилигида эса касбига оид ҳужжатлар ва кўкрак нишонлари йўқ. Томорқа учун ер майдонлари бор, лекин баъзида табиий шарт-шароитларга кўра кўзланган ҳосил олинавермайди. Шундай экан майдонлар йиллик оила даромадидан чиқариб ташланиши керак-ку. Хуллас, шу борадаги йиғилиш чоғида бундай камчиликлар айтиб ўтилди ва зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Йиғилишда вилоят ҳокими Г.Дилов иштирок этди.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

***

СУРХОНДАРЁ вилоятида айни вақтда 5 шаҳарча, 115 қишлоқ ва 671 маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Азалий қадриятларимизга суяниб, ҳар ишда ўзаро ҳурмат ва бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлиш бу воҳа кишиларига хос фазилат. Бунинг натижасида маҳалла ва қишлоқлар обод, файзли. Сурхондарёликлар кўпгина ютуқларга бир-бирларини қўллаб-қувватлаш туфайли эришадилар, ҳар қандай вазиятда ҳам имон ва инсоф чегарасидан четга чиқмайдилар. Қишлоқликлар дастурхони мўл-кўллиги шундан далолат. Лекин, тараққиётга фақат моддий бойликлар билангина эришиб бўлмайди, ахир. Маънавий камолот ҳам зарур. Эндиликда маҳалла ва қишлоқларда маданий-маърифий йўналишдаги суҳбат ҳамда учрашувлар ташкил этилмоқда. Кутубхоналар доимий ишлаб турибди. Айниқса, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Бойсун, Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманларида бу соҳадаги ишлар анча яхши ташкил этилган. Бироқ, бу соҳада амалдаги саъйи-ҳаракатлар ҳам зарур. Эндиликда маҳаллаларда таянч пунктлари мавжуд. Бу таянч пунктлари орқали аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар орасида жиноятчиликнинг, зарарли одатларга ружу қўйишнинг олдини олишга эришилмоқда. Шунингдек, бу туманларда ободончилик ишларига ҳам кенг аҳамият берилаётир. Иш бор жойда хато ҳам бўлади. Лекин, ёшларни иш билан таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, жойларга китоб, газета-журналлар етказиб бериш-даги камчиликларни бартараф этиш лозим. Туманларда бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам шу ҳақда гап борди. Қизғин савол-жавоблар ва баҳслар асосида ўтказилган очиқ мулоқотлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Омон ШУҚУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ ГЕРҲАРД ШРЁДЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герҳард Шрёдер шу йил 9-10 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

ПИЛЛА ЕТИШТИРИШ ОҚСОҚОЛЛАР НАЗОРАТИДА

Жиззах вилояти пиллакорлари бу йил 440 тонна хом ашё етиштирадилар. Бу ҳосилни тайёрлашда вилоятдаги маҳаллалар жалб этилганлиги айниқса самарали натижалар бермоқда.

Ҳар ўн қути уруғга биттадан маҳалла фаоллари бириктирлгани фикримизнинг далилидир. Улар пиллакорларнинг талаб ва истакларини раҳбариятга етказишда, қурт боқиш билан боғлиқ бўлган жараёнларда ва «кумуш тола»нинг сифатли бўлишида катта амалий ёрдам бермоқдалар. Айниқса Фориш, Бахмал, Ғаллаорол сингари туманларнинг маҳалла оқсоқоллари бу борада ибратли ишлар қилишмоқда. Улар ўзбек пилласининг ўз мавқеини топиши учун катта ташкилотчилик ишларини бажаришмоқда.

- Маҳаллаларнинг оқсоқолларидан жуда хурсандмиз, - дейди вилоят «Пилла» хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Илҳом Умрзоқов. - Улар қурт уруғларини очиришда ва боқувчиларга тарқатишда, пилла парваришида фермерчилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришда, пиллакорлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда бизга яқиндан ёрдам бераяпти. Айниқса тут дарахтларини парвариш қилиш, озуқа базасини яратиш учун кўчатчилик хўжаликлари ташкил этишда фаоллик кўрсатишди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Шу сонинг

2-саҳифасида

** Аскар хотиралари: «Ертўламизни танча қуриб иситгандик...»*

** Хотира - қадрнинг бир кўриниши.*

** Уч асрга шоҳид замондошларимиз...*

3-саҳифасида

** «Дадам муҳаррир бўлган газета номига исмимни қўйганлар...»*

** Боғбон кетса ҳам боғи қолар экан.*

** «Турфа олам»нинг турфа хабарлари.*

4-саҳифасида

** Ҳисобни ҳисоб қилгувчи билим.*

** «Бахил бўлдим, боғим кўкармади, афсус...»*

** Табаррук зотларнинг тушлари ҳам табаррук бўлади.*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0012З-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: **136-53-75**
Хатлар бўлими:
136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Қариялар - фахримиз

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Қарияларни қадрлаш йили ҳамда 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Унда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Институт ҳовлисида бунёд этилган хотира майдонида мазкур олий ўқув юртидан урушга кетган, фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлган ўқитувчилар ва талабалар хотираси ёдга олинди. Уларга атаб ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, оилада, маҳалла ва жамоада тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган кекса профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга институтда алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ўтган тўрт ой мобайнида уларни моддий рағбатлантириш мақсадларига 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Кекса, ногирон ўқитувчи-ходимларнинг уйлари таъмирлаб берилди.

Учрашув сўнгида институт фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Беҳбуд БОТИРОВ

ҚАЛБИМИЗ АРДОҒИДА

Навоий туманидаги «Дўстлик» оромгоҳида бўлиб ўтган тадбир Қарияларни қадрлаш йили ҳамда 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишланди. «Қариялар - қалбимиз ардоғида» деб номланган ушбу тадбирни Навоий вилоят ҳокимлиги «Маҳалла», «Нуроний» ҳамда «Экосан» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан оталар ва болалар муносабатидаги халқимизга хос ибратли анъаналарини тиклаш, мамлакатимизда ва Навоий вилоятида ўтганлар руҳини шод этиш, ёши улуғ инсонларга, хусусан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига иззат-икром кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Тадбир сўнгида бир гуруҳ қарияларга эсдалик совғалари топширилди.

Ёркул УМАР.

ҚАДР ТОПГАН ҚАРИЛИК

Республика Маънавият ва Маърифат маркази Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада «Хотира ва қадр топган қарилик» мавзуида суҳбат ўтказди.

- Қарияларни қадрлаш деган сўзга биз кенгроқ ёндашишимиз керак, - деди марказ раҳбари А.Болиев ўз сўзида. - Чунки, кекса кишилар азал-азалдан ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиб келганлар. Бу аждодларимиз удуми, инсонийлик эътимоди. Лекин ҳеч бир даврда кексаларимизга ҳукумат томонидан бугунгидек ғамхўрлик кўрсатилмаганди. Истиқлол туфайли имкониятларимиз янада кенгайди, қадриятларимиз янгича мазмун кашф этмоқда.

Учрашувда республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари С.Ҳасанов, навоийшунос олим Султонмурод Олим, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шариповлар ҳам сўз олиб, ўз фикр-мулоҳазаларини давра аҳли билан ўртоқлашдилар.

Йиғин сўнгида уруш ва меҳнат фахрийларига «Маҳалла» жамғармасининг қимматбаҳо совғалари ҳамда Олим Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғинининг пул мукофотлари топширилди. Маърифий йўналишдаги бу учрашув куй-қўшиқларга уланиб кетди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Ислом КАРИМОВ: «ХОТИРА НАФАҚАТ ЎТМИШИМИЗНИ УНУТМАСЛИК, БАЛКИ БУГУНГИ

ТАФСИЛОТ

ХОТИРА ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат архивидаги ижтимоий таъминот бўлимидаги ҳужжатлар билан танишар эканмиз, 1941-1945 йиллар давомида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишда катта ташкилий ва амалий ишлар бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳужжатларда қайд этилишича, уруш вақтида ота-онасини йўқотган ва эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш учун республикада кўплаб янги Болалар уйлари ташкил этилган. 1941 йилнинг охиридаёқ республикадаги Болалар уйларининг сони 50 фоиз, болалар уйларида тарбияланаётганларнинг сони эса 80 фоизга кўпайган.

Уруш йилларида ногирон бўлганлар ва фронтчиларнинг оилаларига ҳамиша ғамхўрлик қилиб турилди. Масалан, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг меҳнаткашлари 1943 йилда жангчиларнинг оилаларига 350 тоннадан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва 5998 бош чорва моли бердилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига уйларини таъмирлашда, уларнинг болаларига кийим-кечаклар сотиб олишда, болалар яслиларидаги, боғчалардаги овқатларнинг сифатини яхшилашда, уларнинг томорқа участкаларидаги ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларида Республика ижтимоий таъминот тизимидаги ходимларимиз катта жонбозлик кўрсатдилар.

Биз уруш тўғрисида фикр юритар эканмиз, уни бартараф этиш учун моддий жиҳатдан таъминлаб туришда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик соҳасида ходимларининг кўрсатган фидойиликларини четлаб ўтолмаймиз. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон колхоз ва савхозлари 4 млн. 800 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Шунингдек, Ўзбекистон меҳнаткашлари фронтга кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат учун пахта, жун, ипак етказиб бердилар. Уруш даврида армиянинг ҳарбий - ҳаво десанти учун энг зарур хомашё - ипак эди.

Пиллачилик Ўзбекистонда колхоз ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоғи сифатида фақат 1940 йилда шаклланган эди. Пиллачилик халқ хўжалиги ва мудофаа мақсадлари учун фавқулодда аҳамияти ғоят катта бўлганлиги сабабли ипакчиликни умумлаштириш жараёни уруш йилларида янада кучайиб кетди. Яъни, бу соҳадаги кўрсаткичлар 1941 йилда 12.051 тоннани, 1942 йилда 12.065 тоннани, 1943 йилда 12.481 тоннани ташкил этди.

Урушнинг оғир шароитларига қарамасдан Ўзбекистон саноати ўсиб борди. Давлат Мудофаа Комитетининг 1942 йил 18 ноябридаги қарорига асосан Ўзбекистонда қатор гидроэлектростанциялар қурилиши кўрсатилган эди. Мазкур қарорга асосан Салор, Биринчи Куйи Бўзсув, Биринчи Оққовоқ, Иккинчи Оққовоқ ва Фарғона гидроэлектростанциялари қуриш, 1942 йил февраь қарори асосида эса Фарҳод ГЭСининг қурилиш ишлари бошланиб кетди.

Илғор пиллачиларимиз урушнинг оғир йилларида ҳар бир қути қурт уруғидан 90 кг.гача етказиб ҳосил қилдилар. Тошкент вилояти Паркент туманидаги Охунбобоев номидаги жамоа аъзоси, тўрт нафар ўғиллари - Олимхўжа, Турсунхўжа, Султонхўжа, Зикриёхўжаларни фронтга жўнатиб, келинлари ва турмуш ўртоқлари Тошпўлат ота билан ипак қурти боқиб, ҳар бир қути уруғдан 95 кг.гача, такрорий боқилган ипак қурти ҳосилини 150 фоизгача бажарган, онам Ойтўрахон Шоруста-мованинг ҳам ҳиссасини айтгим келди.

Онамларнинг меҳнатдаги жасоратлари Республика газета ва радиосида кенг тарғиб этилди. Жанг майдонида туриб «Қизил Ўзбекистон» газетасидаги онамиз тўғрисидаги ана шундай мақолани ўқиган, иккинчи акам, катта лейтенант Турсунхўжа Тошпўлатов таҳририятга ва ота-онам номига қуйидаги хатни йўллайди:

Сафдошларин хотирлаб

«Қадрли ота ва онам! Кўп вақтгача фронтнинг олдинги линиясида бўлганлигим учун сизларга хат ёза олмадим... Хавотирлангандирсизлар? Биз Сизлар тарбиялаб етиштирган тўрт ака-ука жанг майдонларида фашистларни беомон қирмоқдамиз. Сизларнинг колхоз ишига яна қайтганларингизни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим.

Онажон! Сиз колхозда пиллачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб, пилладан юқори ҳосил олганингиз учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида қатнашган эдингиз. Бу йил пилладан янада кўп ҳосил олиш учун ҳаракат қилинг, чунки пилла уруш вақтида айниқса, катта стратегик аҳамиятга эга бўлган хом ашёдир...

Сизларга соғлиқ, узоқ умр ва ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Салом билан ўғлингиз Т.Тошпўлатов. 1944 йил 24 март». «Фронтдан хатлар», «Ўзбекистон», Тошкент - 1965 йил, 96-бет.

Уруш йилларида Ўзбекистондан 1 миллионга яқин киши Ватан ҳимояси учун сафарбар қилинди.

1941 йилнинг охири - 1942 йилнинг бошидаёқ Республикада ўзбек миллий қисмлари, ўқув бригадалар ва Кавалерия дивизиялари ташкил этилди.

Республикада 389, 12, 162 ва 69 ўқчи дивизиялар, 21 ва 44 Кавалерия дивизиялари, 90 ва 94 алоҳида ўқчи бригадалар, 128-гвардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси ва бошқа ҳарбий қисмлар тузилди. Бу ҳарбий қисмлар жанг майдонларида сўнмас шуҳрат қозонди. Бу қисмларнинг деярли ҳаммаси орденлар билан мукофотланди, гвардиячи қисмлар бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши давомида ўзбекистонлик жангчилардан 120.000 киши орден ва медаллар билан мукофотландилар. Шунингдек, 280 киши Қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлдилар.

Брест қалъаси ҳимоячилари орасида жанг қилган ўзбек ўғлонлари Н.Содиқов, А.Абдуллаев, А.Арслонбоев, С.Бойтемиров, А.Алиев, Т.Хидиров, У.Ўтаевлар жасорати, Берлинни штурм қилишда катта ҳарбий жасорат кўрсатган Муллажон Узоқов номи, қаҳрамонлик кўрсатган Собир Раҳимов, Бобир Бобоев, Солих Умаров, Янгийўллик жасур йигитлар Абдулла Қурбонов ва Рўбалко, Мамадали Топиволдиев, Саидусмон Қосимхўжаев, ТДПУ тарих факультетининг толибаси Елена Стемповскаялар хотираси ҳамиша қалбимизда абадий яшайди.

Биз тарихимизга чуқур ҳурмат кўрсатган ҳолда мустақилликка эришганлигимиз билан қонуний равишда фахрланишга ҳақлимиз. Шундай экан, келажак авлодни ҳам ҳақиқий ватанпарварлар этиб тарбиялашга эришишимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Зеро, тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Турғун ҳожи ТОШПЎЛАТОВ.

УЖАСУР ЖАНГЧИ ВА ИБРАТЛИ ОҚСОҚОЛ ЭДИ

...Турсунхўжа ака 1939 йилда 21 ёшида ҳарбий хизматга кетганча 1947 йилда қайтди. Унинг онаси Тожихон Шодиева ўша даврда аёлларимиз саводхонлиги, маърифати учун курашган ўзбек аёли эди. Энг қизиғи ва биз учун аҳамиятлиси у ўзбек аёлларидан чиққан энг биринчи маҳалла оқсоқоли ҳам эди. Турсунхўжа акани ҳам урушдан қайтишлари биланоқ Ҳовузбўйи (ҳозирда Шайхонтоҳур туманидаги Шарқ гули маҳалласи) маҳалласига оқсоқол этиб тайинладилар. Урушдан кейинги йиллар, ҳаёт кечириш машаққати оғир эди.

Турсунхўжа ака оилали бўлди, фарзандлар кўпайди, муҳими кеча-кундуз меҳнат қилишга тўғри келарди. У даврда оқсоқолларга маош тўланмас, шундай бўлса-да, Турсунхўжа ака Ҳовузбўйи маҳалласига қарийб 1966 йилдаги кўп вайроналарга сабаб бўлган зилзила юз бергунга қадар оқсоқоллик қилди. Фалокатдан сўнг шу маҳалла аҳли учун янги кўчирилган жойда Ҳамза маҳалласи ташкил этилди. Маҳалла аҳли оқсоқолликни яна Турсунхўжа акага топширдилар. Шундай қилиб, Турсунхўжа аканинг оламдан кўз юмгунгача (1996 йилгача) қолган 30 йиллик умри ҳам маҳалла ҳаётига бағишланди. У кишининг маҳаллага, унинг аҳлига меҳнати кўп сингганини одамлар яхши биладилар, хотирлайдилар. Лекин унинг жангда кечган саккиз йиллик ҳаёти тафсилотлари ҳақида ҳатто фарзандлари ҳам жуда кам биладилар...

«Дадам уруш хотиралари тўғрисида гапиришни ёмон кўрардилар. Болаларча қизиқиш билан «Дада уруш тўғрисида, фашистларни отганингизни гапириб беринг» деб қолсак, «Уруш дегани гапириб берадиган эртак эмас, у - жуда ёмон нарса», дея койиб берардилар. Бизку бола эдик, дадамнинг урушда бошдан кечирганлари билан қизиққан катта-катта одамлар ҳам шундай жавоб олардилар у кишидан. Хуллас, дадамнинг уруш ҳақида на каттага, на кичикка бирон марта сўзлаганларини ҳеч ким кўрган эмас, ҳатто онам ҳам. Уруш ҳақидаги фильмларни ҳам томоша қилмасдилар. Ўзлари табиатан жуда кўнгилчан, болаларга меҳрибон бўлсалар ҳам «уруш-уруш» ўйнаган болаларни жуда қаттиқ койиб берардилар.

Биз улғайдик, урушнинг нима эканини ҳам англадик. Бир куни жангларда жасорат кўрсатган айниқса, орден ва медаллар олган уруш қатнашчиларига уйлар, енгил машиналар имтиёз билан берилишини эшитиб қолдик. Албатта, оиламизда енгил машина бўлишини жуда истардик. Дадамни енгил машина олишга ундадик, ҳар қанча уринсак ҳам кўндиролмадик. Охири «Болаларим, урушдан омон келганимнинг ўзи беҳисоб давлат эмасми, тирик қайтганим учун менга машина беринглар, деб борсам, уят бўлади, ахир. Яна шу тўғрида гапирсаларинг, қаттиқ хафа бўламан» дедилар...» Бугун Турсунхўжа аканинг фарзандлари у кишини худди шундай хотирлайдилар.

Фақатгина унинг уруш даврида ва ундан кейин олган орден ва медаллари унинг жангдаги жасоратларидан дарак бериб турарди.

Бир воқеа сабаб бўлмаганда, яъни Турсунхўжа ака билан елкама-елка жанг қилган, Москва вилоятида яшовчи заҳирадаги полковник Константин Мамец «Уруш ҳақида хотиралар» автобиографик китобини ёзмаганда, унинг бир бобини ўзининг жангчи дўсти Шодихўжаев Турсунхўжа ҳақидаги хотираларга бағишламаганида ва бу китоб унинг фарзандининг

саъй-ҳаракати билан Шодихўжаевлар оиласига етказилмаганида, Турсунхўжа аканинг фарзандлари ҳам, сизу биз ҳам у кишининг қандай довюрак ва жасур жангчи, чегарачи бўлганликларини эҳтимол билолмаган бўлардик. Полковник Мамец кўзи тириклигида Шодихўжаевнинг манзилгоҳини топишга кўп уринади, лекин тополмайди. Полковник ўлими олдидан ҳам ўғлига қандай бўлса ҳам Шодихўжаевнинг манзилини аниқлаб, унга ёки унинг оиласига ушбу китобнинг бир нусхасини етказишини васият қилади. Отасининг сўнгги васиятини адо этиш учун марҳум полковникнинг ўғли юртимиздаги ташкилотлар орқали Турсунхўжа аканинг манзилгоҳини топади. 1977 йилда ёзилган китобчанинг нусхаси ва ниҳоят 1996 йилда Турсунхўжа аканинг оиласига етиб келади. Китоб учта бобдан иборат бўлиб, учинчи боби «Ўзбек халқининг ўғлони» деб номланади ва унда полковник Турсунхўжа ака билан танишган дақиқасидан бошлаб ғалабани нишонлаган кунларигача бўлган даврни бирма-бир хотирлайди. Китобни ўқиб шунга амин бўлдимки, Турсунхўжа ака бутун кимобни бағишласа ҳам арзийдиган даражада жасорат ва ибрат кўрсатган жангчи, инсон бўлган эканлар. Полковникнинг Турсунхўжа ака ҳақидаги хотиралари қуйидаги сўзлар билан бошланади.

«Аскарнинг ҳаёт йўли жуда нотекис ва номаълум бўлади. Қаерда ким билан тўқнаш келишини, қаерда қандай қаҳрамонлик кўрсатишини, қаерда қандай синовга дуч келишини, ўзининг ҳарбий унвони қай даражагача етишини ва ҳатто жангни қай аҳволда тугатишини у асло билолмайди. Шодихўжаев Турсун ҳам, чегарачи-разведкачи бўлишни ихтиёр этганда бундай кейинги тақдири қандай кечишини асло тасаввур қилмаган бўлса керак.

Қисмга келгач, у командирга шундай сўзлар билан юзланганди:

- Ўртоқ катта лейтенант! Шодихўжаев Турсун, ўзбек халқининг ўғлони, ҳарбий хизматни ўташ учун ҳузурингизга етиб келди!

«Бу «ўзбек ўғлони» билан разведкага борса бўлади» деган, фикр хаёлимдан ўтди ўшандаёқ. Одатим бўйича, ҳеч қачон кишига бир кўришдаёқ баҳо бермас эдим. Лекин Турсун ҳақидаги бу фикрим шу бўйи бир умр ўзгармади. Талаффузи шарқона бўлса-да русчани яхши биларди. Келган куниданоқ унинг ўз сўзи билан «ўзбек халқининг ўғлони» деган лақабини қўйдик унга. Лекин ҳеч биримизнинг лақабимиз уникидек боорбў ва жарангдор эшитилмасди...»

Шунингдек, полковник ўз хотираларида Турсунхўжа аканинг оддий эмас, айнан ўзбекона жасоратлари ҳақида кўп воқеаларни ҳикоя қилади. Ҳарбий қисм қамалдан чиқиб кетолмай аскарлар совуқдан қирилиб кетаёзганда, ертўлаларни ўзбекча танча ясаб иситгани, резведка чоғида тутилган фашист асирини тилка-пора қилишга тайёр турган ўнлаб маҳаллий аҳоли қуршовидан бир ўзи омон олиб чиқиб, қўмондонликка топширгани ҳақида ёзади. Кавказ ўлкасини фашистлардан озод этганда ҳамма аскарлар у ерларнинг гўзал табиатидан завқланиб, ҳайратда қоладилар. Шунда Турсунхўжа ака «Э, бу ерларнинг гўзаллиги менинг ўлкамнинг таровати олдида нима бўлибди, худо хоҳласа ғалабадан кейин менинг юртимга борасизлар, ана ўшанда табиатнинг қандай гўзал манзаралари бўлиши мумкинлигини ўз кўзингиз билан кўрасиз» деган экан. Айниқса полковник ўзининг жанглардан бирида қаттиқ яралангани, бунинг устига душман қуршовида қолганлари, ўшанда Турсунхўжа ака уни уч кечаю уч кундуз елкасида кўтариб, қамалдан олиб чиққани ҳақида тўлқинланиб ёзади. «Ўшанда Турсун мени қутқараман деб ўзи ҳалок бўлиши ҳам мумкин эди, мени ташлаб кетавер деб қайта-қайта айтаверганимдан охири урушиб қолдик, у жаҳл билан «номарднинг боласи эмасман» дедию, мени елкасига ортиб олди. Турсун бўлмаганда, балки ҳозир бу сатрларни ёзиш менга насиб этмасди...»

Бугун 9 май - Хотира ва қадрлаш куни арафасида Турсунхўжа Шодихўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига оид кўпчилик ҳали билмайдиган воқеаларни хотирладик.

Мавлуда ҚОСИМОВА,



ОТАХОНЛАР ДАВРА ҚУРГАНДА

Юз билан юзлашган раҳмонбойлик Қурбонбой

9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Беруний туманидаги Олтинсой фуқаролар йиғини ҳудудида ўзига хос тантана бўлиб ўтди. Раҳмонбой маҳалласида яшовчи Қурбонбой ота Момутовнинг бир асрлик тўйига овул аҳли йиғилди. Элга ош тортилди, даврада полвонлар беллашиб, чавандозлар улоқ тортди.

Қурбонбой ота ўтган аср бошида шу ерда таваллуд топди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида йилқи боқиб, отлиқ қўшинларга учқур тулпорлар етказиб берди.

- Наслдор отларим кўп эди,- дея хотирлайди отахон. - Ўша пайтлари йилқиларни Бадайтўқай, Қизилқум яйловларида боқардим. Бутун халқ урушга борбудини жўнатаётганда мен ўз отларимни юбордим.

Қурбонбой ота Шарифа момо билан бирга етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Катта ўғил Ерназар 60 ёшда. 55 яшар Пирназар ака «Олтинсой» ширкат хўжалигида электр пайвандловчи, ўртанча ўғли Сейтназар эса ота касбини эгаллаб бригадирлик қилмоқда. Кенжа ўғли Шерназар «Бийбозор» қишлоқ касалхонасида ишлайди.

- Отанинг фарзандлари, невара, чевара ва эвараси 150 дан ошди,- дейди «Олтинсой» овули фуқаролар йиғини раиси Қадамбой Жумамуратов. - Улардан 12 нафари овулда ўқитувчи. Овулимизнинг бешта маҳалласида истиқомат қилаётган 5,5 минг фуқаронинг барчаси Қурбонбой отани яхши билади. Унинг ҳаёт йўли бугунги ёшларимизга катта сабоқ.

Қурбонбой ота ўтган умрини хотирлар экан, бугунги озод ва дориломон кунлар учун шукрона айтиб, дуога қўл очди. Юртимизга тинчлик, хонадонларга қут-барака тилади

.А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, ЭРТАНГИ КУННИ ТЎҒРИ ТАСАВВУР ЭТИШ, ДЕМАКДИР»

ҚАЛАМ МУДОМ ҲАМРОҲИ

Тўра Жуман Қашқадарёнинг гўзал Шаҳрисабз шаҳрида кексалик гаштини суриб ижод қилаётган шоир. У иккинчи Жаҳон уруши жангоҳларида қўлида қурол билан душманга қарши жанг қилганда тинчликнинг қадрини чин дилдан ҳис қилиб, урушдан сўнг қуролни қалам билан алмаштириб, то умрининг сўнгги кунигача уни ардоқлашга ўз-ўзига сўз берган эди.

ТУРЛИЧА

Замин битта, ҳайвонлар, учган қушлар турлича,
Одам ҳар хил ҳам улар кўрган тушлар турлича.

Тоғ, дарёлар, ўрмонлар, дарахт, мева, экинлар
Дўст, ўртоқлар, ошнолар ҳамда хешлар турлича.

Кимлар калта, ким дороз, кимлар доно, ким нодон,
Бадан рангли, кийимлар, сочу тишлар турлича.

Совуқ шамол, саҳрода, тоғ, ўрмонда одам бор,
Бу дунёда ташвишлар, Тўра, ишлар турлича

НЕВАРАМ СЎЗИ

Жангни, меҳнатни кўплаб кўрган менинг бобом бор,
Бели сал-пал букчайган, сочи гўё оппоқ қор.
Қисқа-қисқа ўгити ёдимизда қолади,
Ўзи мадорсиз, лекин сўзлари берар мадор.
Уни тингламаганлар ҳар қадамда қоқилди,
Уни тинглаганлар иймонли ва бахтиёр.
Жажжи болажонларни севиб олар бағрига,
Насиҳатлар ёзилган китоби бўлди тайёр.

ЭЙ, БУЛБУЛИМ

Эй булбулим, сайрайвер, ёқимли куй сенда бор,
Куйларингни тингласам, кетар кўнглимдан ғубор.
Машҳурларнинг рақиби кўп бўлишин унутма,
Кўролмовчи қарғалар сенга бермас эътибор.
Писанд қилмаганларнинг ўзи бўлар нописанд,
Қандай севсин тозани ўзи бўлса кир, мурдор.
Гулзоримни мақташда сенга тенглашувчи йўқ,
Сайрайверсанг гулларим очилар қатор-қатор.

Тўра ЖУМАН

УРУШ КЎРГАН САНЪАТКОР

ЖАНГЧИЛАРГА ШИФО БЎЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Ҳали-ҳали эсимда, баъзан радиодан юракларни сел қилувчи таниш бир қўшиқ тараларди: Кўргузиб юзин масту ҳайрон айлади...
Шунда оналаримиз «ана, Коммунаҳон куйлаяпти» деб дарҳол радио ёнига боришар, юмушларини четга қўйиб берилиб эшитишарди. Ўз қўшиқлари билан кўнгилларни забт этган бу санъаткорнинг мафтункор овози одамларга маъқул ва манзур эди.

Ёшликдан эсдалик сурат.(Архив)

Унга ҳавас қилишиб, қизалоқларини Коммуна деб атаган оналар ҳам кўп бўлган. Коммунахонимнинг ўша йилларда эл ичида машҳур бўлган қўшиқларидан бири «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидаги она айтишуви эди:

Ҳақ ўзи етқурган азиз меҳрибоним,
Ўғлима ўхшайди овозинг санинг.
Тез хабаринг бергил чиқмайин жоним,
Болама ўхшайди овозинг санинг.

- Бу қўшиқнинг яратилиши қандай кечган? - дейман кекса санъаткор билан суҳбатлашаётиб.

- Ардоқли санъаткор Комилжон Отаниёзов ўргатган бу қўшиқни мен илк бор 1946 йилда куйлагандим. Айтган қўшиқларимнинг яратилишида улкан санъаткорлар устозлик қилганлар. Менинг эл ичра танилишимда Султонпошша Раҳимова, Назира Юсупова сингари санъат дарғаларининг ҳиссалари катта.

- Коммуна опа, агар сир бўлмаса исмингизни ким қўйган?

- Оилада тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келганимда ота-онам менга Уллибиби дея исм қўйишган экан. Уллибиби хоразмча шевада улуғликка ишора. Худди ўша кунларда отам Қуранбой Исмоилов муҳаррирлик қилаётган газетанинг нишона сони босмадан чиққан. Шунда отамнинг дўст-ёрлари «Чақалоқнинг қадами қутлуғ келди, қизингизга газетамизнинг номини қўйинг» дейишган. Кейин мени Уллибиби эмас, Коммуна деб атай бошлашган...

- Сизни илк бора қўшиқчилик санъатига етаклаган киши ким бўлган?

- Бизнинг Хоразм томонларда қўшиқ айтиб, ўйин тушмаган кишининг ўзи йўқ. Санъатга ошуфталик ҳар биримизнинг қонимизда бор. Жуда кичкиналигимда уйимизнинг ёнгинасида мусиқа драма театри ишлаб турарди. Мен эса эртаю кеч ўша ерда ўралашиб юрардим. Артистлар қанақа бўлади, қандай қилиб рол бажаришади, қўшиқни қай тарзда айтишади, бари-барисига қизиқардим. Театрдагилар мени таниб қолишганди. Спектаклларга ёш болалар керак бўлиб қолса, дарҳол мени чақиришарди. Кўпинча мени кийинтириб, подшоҳнинг ёнида елпиғич ушлаб турадиган ҳабаш болакай қиёфасида саҳнага олиб чиқардилар. Гоҳида театрга катта санъаткорлар ҳам ташриф буюришарди. Тамарахонимни илк бор шу ерда кўргандим.

Бир куни мактабда дугоналарим билан партани чертиб, ўзимизча қўшиқ хиргойи қилаётгандик. Тасодифан эшик очилиб, бир нечта кишилар кириб келдилар. Бизга ўзларини таништиришди. Гавҳар Раҳимова, Фахриддин Содиқовлар экан. Ортларида тўрт-бешта қизалоқлар ҳам бор эди. «Ҳозиргина баланд товушда қўшиқ айтган қиз ким?» деб сўрашди. Қизлар мени кўрсатишди. «Яна бир марта шу ашулани айтгин-чи?» дейишди. Мен баланд товушда хиргойи қилдим. Ўша куни Гавҳар Раҳимова отамга «Қизингизни Тошкентга олиб кетамиз, биз ансамбл тузаяпмиз, бунга ўхшаш қизлар кўп, ўшалар орасида юради» дейишди. Мен улуғ санъаткорларга эргашиб пойтахтга келиб қолдим...

- Мустақил саҳнага чиқа бошлаганингизда неча ёшда эдингиз?

- Ўн тўрт ёшимда «Тоҳир ва Зуҳра»да Моҳимни ўйнадим. Фахриддин Содиқовдан ўрганган қўшиқларни куйладим. Ансамблимиз эндигина оёққа турган пайтда уруш бошланди. Ўн беш чоғли қиз ҳаммамиз ҳарбу зарб майдонига отланганмиз ўшанда. Зиммамиздаги масъулият ниҳоятда оғир эди. Ярадор аскарларга қўшиқларимиз билан мадад беришимиз зарур эди. Бир куни ҳаммаёғи чандиб боғлаб ташланган жангчилар даволанаётган госпиталда концерт бердик. Қўшиқ куйлаб бўлганимиздан сўнг улар бараварига «Сизларнинг овозингиз бизга она юртдан хабар келтиргандек бўлди, биз энди янада тезроқ тузаламиз» деб қичқиришди. Шунда тушуниб етдимки, қўшиқ инсонни ўлим ёқасидан қайтаришгаям қодир экан! Бундай воқеаларга жанг майдонларида кўп марта дуч келганмиз...

- Сиз Гавҳар Раҳимова тузган «Хоразм» ансамблида ҳам узоқ йиллар фаолият кўрсатгансиз. Бу ансамбл сизнинг ижодингизда қандай бурилишлар ясаган?

- Умримнинг энг серқирра даври шу ансамблда кечди. «Лазги»ни Гавҳар Раҳимова билан бирга ўйнадим. «Меҳнат аҳли» қўшиғини Ҳалима Носирова билан биргаликда айтдим. Комилжон Отаниёзов билан халқ достонларидан айтишувлар қилдик. Мақом санъатида Берта Давидовага эргашдим. «Гулнора» ариясини кўп вақтлар кўйладим. «Насруллои Дилором»да Гуландомни, «Тановор»да Озодани, «Хоразм хони»да Ёқутни ва шунга ўхшаш кўплаб ролларни ижро этдим. Айниқса, «Кўргузиб юзин жамолин масту ҳайрон айлади» деб бошланувчи «Қашқарчаи ушшоқ» қўшиғи мени кўпроқ машҳур қилди. Кейинчалик, йигирма йилдан кўпроқ вақт Ўзбекистон Давлат филармониясида фаолият кўрсатдим.

- Айни пайтда қай юмушлар билан бандсиз?

- Маннон Уйғур номли Санъат институти талабаларига мақом сирларидан сабоқ бермоқдаман. Бугун ёшларимизнинг тийраклиги, ҳаракатчанлиги мени қувонтиради. Кўни-қўшни, маҳалла-кўй йиғинларига, қон-қариндошлар йўқловларигаям вақт топаман. Инсон қай касбда, қай ёшда бўлмасин, урф-одатларимиз, удумларимиз ва одамийлик фазилатларини ёддан чиқармаслиги керак. Гулхумор қизимнинг меҳрибончиликлари, набираларимнинг бийрон-бийрон саволу сўроқлари дилимни яйратади. Кўча-кўйда «Ана, Коммуна Исмоилова! Қаранглар!» деган ҳаяжонли товушларни эшитиб, синчков нигоҳларни сезиб тураман. Шундай кезларда мени ўзларига суюк деб билган она халқимга қайта-қайта таъзим қилгим келади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА суҳбатлашди.

ЁНИҚ ЧИРОҚЛАР

Муҳаммади Нормаматов. Бу ном бойсунликларга яхши таниш. Бойсунда Тиллакамар деган мўъжазгина қишлоқ бор. Боғ-роғлари, экин майдонлари Дарбанд дарёсининг икки бетида ястаниб ётибди. Аҳолиси асосан чорвачилик билан машғул. Қаҳрамонимиз ҳам шу жой фарзанди. У мактабни тугатган 1945 йилдаёқ унинг меҳнат фаолияти бошланди. 1952 йилгача қишлоқ мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Кейин Самарқанд давлат педагогика институтида ўқишни давом эттирди. Химия-биология ихтисослигини эгаллади. Имтиёзли диплом билан Бойсунга қайтгач, 38-мактабга директор этиб тайинланди. Ўн икки йил туман Халқ таълими бўлимини бошқарди. Бир йўла яна Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқиди, зоотехник мутахассислигига эга бўлди. Тумандаги йирик ташкилотларга бошчилик қилди.

Энг характерлиси Муҳаммади ака даврабоши эди. У бошқарган тўйлар ниҳоят мароқли, мазмунли ўтарди, кишилар қалбига завқ-шавқ бағишларди. Уни барча ҳурмат қиларди, изтатини жойига қўярди. Муҳаммади ака севиб турмуш қурган аёли Анвара опа Сатторова билан суюкли саккиз ўғил-қизга ота-она бўлишди.

Фарзандлари ҳам ота изидан борди. Етук мутахассис кадрлар бўлиб етишди. Тўнғичи Исматилла «Сайроб» ширкат хўжалигида бўлим бошқарувчиси, Зиёдулло, Ғайратлар юрист, адвокатлар коллегиясида ишлайди. Шайдулло савдо ходими, Музработ туман матлубот савдо Ҳиссадорлик жамияти раиси, Шавкат фермер, иқтисодчилик ихтисосига эга. Қизлари - Гулнора, Холида, Нодиралар ҳам ўзлари ихтиёр этган касбнинг этагидан тутган, уйли-жойли бўлиб кетган. Муҳими, Муҳаммади Нормаматовдан қолган фарзандларнинг бари одобли, эл корига яраётган кишилар.

Муҳаммади ака ҳаёт бўлганларида бу йил етмиш баҳорни қарши оларди. Начора, йиллар ҳеч кимга шавқат қилмайди. Аммо унинг порлоқ хотираси Тузбозор маҳалласи аҳли томонидан ибратли деб тан олинган. Бу хонадоннинг чироғи ҳамиша ёниқ.

Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.

Суратдаги бу нуроний отахонлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган. Баъзилари жангоҳларда қон кечиб жанг қилган. Биз уларнинг ҳикояларини тингласак, умримиз давомида тўғри яшаш зарурлигини англаймиз, юртга ва одамларга меҳр, садоқат туйғулари қалбимизда жўш уради, ҳар доим сабрли, мулоҳазали бўлмоқликка ўрганамиз.
Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Наврўз маҳалласи фуқаролар йиғинида кўпни кўрган кексалар билан тез-тез учрашув ва суҳбатлар ўтказилади.

УМР ЎЛЧОҒЛИ, ЭЗГУЛИК БОҚИЙДИР

Ҳаёт қийинчиликларини мардоновор енгиб, доимо эл-юрт манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилишга интилиб яшаган метин иродали инсонлардан бири Андижон вилояти Хонобод шаҳри Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бўлинмасининг раиси марҳум Ғуломжон ака Музаффаров эди. У 1922 йили Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида туғилди. Отаси Музаффарбек мингбоши лавозимида ишлагани учун шўро ҳукуматининг амалдорлари томонидан қулоқ бўлиб Қирғизистоннинг тоғли минтақаларига сургун қилинди. У оғир қийинчиликларга дош беролмай вафот этиб кетди. Онаси билан қолган Ғуломжон Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида етти йиллик мактабни тугатиб синфдошлари қатори саводсизликни тугатиш курсида ўқитувчилик қилди. Кейинчалик Марғилон педагогика билим юртини, Фарғона Давлат педагогика олийгоҳини тугаллади.

Тақдир тақозаси билан у Андижон вилоятининг Пахтаобод, Қорасув туманларида халқ маорифи бўлимининг мудири, Султонобод қишлоғидаги мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директорлик лавозимларида хизмат қилди. Кўп ҳолларда «қулоқнинг боласи» деган таъна унинг боши устида доимо соя солиб турар эди. Шундай бўлсада у эл, халқ орасида фидойи ўқитувчи, талабчан раҳбар сифатида обрў қозонди. Айниқса Андижон сув омбори қурилиши бошланганда Ғуломжон Музаффаровнинг ушбу қурилиш учун мутахассис қурувчилар тайёрловчи «Усталар мактаби»ни очиш ҳақида ташаббуси ҳукумат раҳбарларининг эътиборини тортди. Ташаббус пухта ўйланган ва ғоят фойдали бўлгани учун ҳукумат қарори билан «Усталар мактаби» очилди ва «Музаффаров академияси» деган ном билан шуҳрат қозонди. Халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг «Андижон денгизи», «Қорадарё» романларида Ғ.Музаффаровнинг эл-юрт, Она - Ватан иши учун толмас курашчи эканлиги жонли тасвирлаб берилган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистон сув хўжалиги аълочиси» унвонлари, «Шавкатли меҳнат учун» каби медаллар билан мукофотланган эди. Бу инсон пенсияга чиққанидан кейин ҳам ўз уйида тиниб-тинчиб ўтиришни ўзига эп билмади. У ҳаёти давомида орттирган бой тажрибаси, педагогик маҳорати ва билимини маҳалла муаммоларини ҳал этиш йўлида сарфлади. Хонобод шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бўлинмасининг раиси вазифасига тайинланган, шаҳардаги барча маҳалла ва гузарларни намунали ҳолатга келишига бош-қош бўлди. Бу ерда кўп марта маҳалла ҳаётига оид йирик тадбирлар ўтказилишга ташаббускор бўлди. Шаҳар маҳаллаларининг нуфузи ортиб вилоятдагина эмас, ҳатто республика миқёсида ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Хонобод ҳақли равишда эл оғзида Ўзбекистоннинг Швейцарияси дея аталадиган бўлди.

Андижон вилоят ўлкашунослик музейида Ғуломжон Музаффаровнинг шахсий ҳаёти, меҳнат фаолиятига доир 100 дан ортиқ нодир ҳужжатлар сақланмоқда. Унинг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бу ноёб ҳужжатлар билан танишган киши унинг шахсий ҳаётида турли қийинчилик ва тазйиқларга ҳам учраганини, лекин тушкунликка берилмай бир умр ижодий меҳнат билан ибратли умр кечирганига ишонч ҳосил қилади.

Бу фидойи инсондан одобли ва зукко фарзандлар, эзгу ишлар ҳамда сўйлаб юрса арзигулик ёруғ хотиралар қолди. Агар у ҳаёт бўлганида айни вақтда саксон ёшни қаршиларди...

Ҳа, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек: «Вақт ўтар, лекин одамзоднинг эзгу ишлари боқий қолажак».

Аминжон СОЛИЕВ, Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси.

ЎРИК ДАНАГИГА ПАЙВАСТА УМР

Ғаллаорол туманидаги Ғубдин қишлоғида боғ қилган марҳум Соат Ирисбоевни эсласак хаёлимга машҳур боғбоннинг сўзлари келади: «Мен оламда ўтсам, кафтимга ўрик данаги қўйиб кўминглар, вақти келса униб чиқади».

Нақадар самимий орзу туйғуга бой бу гапни ҳаёт исботлаб тургандай. Боғбон жуда узоқни кўра билган, инсоннинг ўзидан кейин иши қолиб давом эттиришини сезган. Шу мақсадини амалга ошириш учун Ғубдинсойнинг жилғаларини тўплаб ҳовуз қилган, гир атрофини мевали ва манзарали дарахтлар билан ошуфта қилган. Оз эмас, тоғ ён бағирларини терраса усулида экишга тайёрлаб парваришлаган. Қурғоқчиликка чидамли, тоғнинг имтиҳонларига бемалол бардош берадиган дарахтларни танлаган. Атрофини ўз жамғармасидан симдевор билан ўраб чиққан. Ҳозир бу ерда дарахтлар, ноёб ўсимликлар дунёси қулф уриб яшнаб турибди. Гўё отахоннинг умри боқий эканлигини дарахтлар, майин еллар, майсалар, шивирлаётгандай... Бу боққа ҳамма жавобгар, ғубдинсойликлар, ўғли, мактаб ўқитувчиси Эсон Соатов, ўқувчилар. Улар бу ерларга келадилар, отахоннинг ҳайратомуз хизматларига қойил қоладилар, баҳор пайтлари парваришлайдилар. Токи, шулар бор экан бу боғ гуллаб яшнайверади.

Боғбон кетди, боғи қолди. 40 йил чорвада меҳнат қилган, уруш ва меҳнат фахрийси Соат Ирисбоев 70 ёшида олам-дан кўз юмган эди. Аммо унинг қилган меҳнати, умри боқий боғи ҳаёт қўшиғини куйлайди. Бу ерга келган табиат ошиқларига эзгулик улашади, бу боғ шуни таъкидики, саховат, меҳнат, қилган хайрли иш эгасини унуттирмайди. Одамларни гўзалликка ошуфта қилади. Бугунги Хотира ва қадрлаш кунларида бу туйғулар жўшади. Умрини боғига пайваста айлаган боғбондан ширин муждалар айтади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

УНИНГ ҲАЁТИ ҲАНГОМАГА БОЙ ЭДИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳакимжон Алимов узоқ йиллар Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа (ҳозир ширкат) хўжалигида меҳнат қилди. У хушчақчақ ва тўғрисўз инсон эди. Ҳакимжон Алимов билан боғлиқ ҳангомалар ҳамон маҳалла-кўй тилидан тушмайди.

КАРТОШКА ЎҚУВЧИ ЭМАС

Маҳмуд ака ўқитувчи, химия фанидан дарс беради. Бир йили эккан ҳосили ҳадеганда униб чиқавермабди. Бундан диққати ошиб картошка пушталарининг у ер бу ерини қўли билан кавлабди. Ҳакимжон ака буни кузатиб юрган экан:

- Ҳа, қўшни нима бўлди? Олтин бекитибмидинг? - дея ҳазиллашибди.

- Картошка эккандим, чиқмаяпти, нима қиларни билмай бошим қотди, - дебди қўшни куюниб.

Ҳакимжон ака кулиб юборибди:

- Картошка сенга ўқувчимиди-ки, «званок» чалсанг чопиб чиқадиган. Вақти-соати етгач сен айтмасанг ҳам ўзи чиқаверади!

КЕЛИНМИ Ё БЕДАНА?

Ҳакимжон ака беданага ниҳоятда ишқибоз эди. Ўн бештача тўрқовоқда бедана боқарди. Унинг уйидан бедана овози тинмасди.

Ҳакимжон ака қизларидан бирини узатадиган бўлдилар. Одатдагидек куёв жўралари билан келишди. Уларга дастурхон ёзилди. Йиғилганлар икки ёшга бахту саодат тилашди.

Куёв жўралари билан кетиб, келин йўлга отланаётганида Ҳакимжон аканинг кўзи тўрқовоқлардан бирининг эшикчаси ланг очиқлигига кўзи тушиб қолди. Қараса, тўрқовоқдаги энг сайроқи беданаси йўқ. Беданаси куёв жўралари билан келгунига қадар бор эди, ундан кейин...

Ҳакимжон ака куёвнинг вакилига:

- Беданамни жойига қўясанлар, бўлмаса келин сизлар билан бормайди, - деди.

Буни кўрган катталар ўртага тушишди, лекин улар Ҳакимжон акани «кўндира» олишмади.

Куёвнинг вакили анча вақтдан сўнг мадори қуриган беданани келтирди. Ҳакимжон ака беданани тўрқовоғига солиши билан сайраб юборди. Кўнгли ёришгач қизига оқ фотиҳа берди...

Ҳ.МИРЗАЕВ.

Хонқўрғон маҳалласи.

ОЛАМ ТЎРФА

СОМАЛИЛИК ДАРОЗ

Ер юзининг энг баланд бўйли одами асли Сомали фуқароси бўлган, лекин мамлакатидаги тинимсиз гражданлар урушидан безор бўлиб ҳозир Буюк Британияда яшаётган Хуссиан Бисард бўлиши эҳтимолидан узоқ эмас.

Хуссиан гавдасининг баландлиги 1999 йилда 2 м. 32 см. бўлиб, ўзининг эътироф этишича, у ҳамон ўсишда давом этмоқда, 27 ёшли бу гигант йигитнинг бўйига кейинги йилларда яна тўрт см. қўшилган, бироқ бу кўрсаткични дўхтирлар бир неча кун мобайнида турли ҳолатларда кунига тўрт мартадан ўлчаганларидан кейин тасдиқласалар шундагина Хуссиан ер куррасининг энг дароз киши сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олиши мумкин.

БЕПАРВОЛИК ҚУРБОНИ

Приморьянинг Кавалерово қишлоғида бўлиб ўтган воқеа ҳаммани ларзага солди.

Уч ёшга ҳам тўлмаган қизалоқ кир ювиш машинаси ичида нобуд бўлди. Воқеа бундай бўлган эди. Қизалоқнинг онаси ундан каттароқ тўрт яшар акаси билан касалхонада ётганлиги сабабли, отаси кийимларни ўзи ювишга тутинди. Ювилган нарсаларни сиқиб қуритиш учун балконга чиқади, хонага қайтиб кирганида эса шу ерда ўралашиб юрган қизчаси кўринмайди. Ота дастлаб бунга парво ҳам қилмай қизим мендан яширинган бўлса керак деб ўйлайди, уни чақира бошлайди. Ҳеч қаердан қизининг товуши чиқмагач, ҳамма ёқни қидира бошлайди. Шунда унинг кўзи кир ювиш машинаси олдига суриб келтирилган табуреткага тушади, унда қизчасининг кийимлари ётарди. Қўрқиб кетган ота жон ҳолатида машина қопқоғини очдию додлаб юборади, не кўз билан кўрсинки, қизи мағзава ичида чўкиб ётарди...

ТАВАККАЛДА ГАП КЎП

Кинофильмлар яратиш ҳам тавакқал қилиб бир иш қилишдек гап. У кўп ҳолларда кинокомпанияларга катта-катта зарар ҳам келтиради. Австралиянинг «Тектак-Макс» фильмида бош ролни ижро этган М.Гибсга 350 минг доллар ажратилган эди.

Фильм яратувчи ижодкорлар қутилмаганда фантастик катта фойдага эга бўлдилар. Яъни икки йил ичида дунё экранларида намойиш қилинган бу фильм 100 млн. доллар фойда келтирди. Бошқача қилиб айтганда фильм учун сарфланган ҳар бир цент уч долларни етаклаб келди.

Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

ТАБАРРУК ТУШЛАР

А.ХАЙИТМЕТОВ

Маълумки, туш масаласига ҳамма халқлар, шу жумладан авлиё ва анбиёлар ҳам катта эътибор билан қараганлар. Чунки туш кўп вақт инсоннинг уйғоқликдаги ҳаёти, ўй-фикрлари билан боғлиқ бўлиб, унинг давоми, ўзига хос кўринишларидир.

Улуғ шоир ва мутафаккирлардан Абдураҳмон Жомий (1414-1492) тасаввуф тарихига оид «Нафаҳотул-унс» асарини ёзишда, бу асарни «Насойимул-муҳаббат» номи билан ўзбек тилига таржима қилиш ва тўлдириш жараёнида Алишер Навоий ҳам юзлаб сўфийларнинг ҳаёти ва фаолиятларини ёритар эканлар, улар кўрган тушлар талқинига жиддий эътибор қилганлар. Уларнинг назарида яхши тушлар бу улуғ инсонларнинг тўғри ҳаёт кечирганликлари ва покният бўлганликларидан, бир сўз билан айтганда эса, Худога яқинликларидан гувоҳлик беради.

Туш сирли бир олам ва психологик ҳолат бўлиб, буни биз «Нафаҳотул-унс» ҳамда «Насойимул-муҳаббат»да Шайх ва мутасаввифлар ҳаёти мисолида кенг кузатишимиз мумкин. Масалан, китоб муаллифи «Насойимул-муҳаббат»да машҳур сўфий Жунайд Боғдодий ҳақида ҳикоя қилар экан, кунларнинг бирида унинг тушига Пайғамбаримиз с.а.в. кирганлар. Навоий ёзишича, ул ҳазрат Жунайд Боғдодийга: - «Инсонлар билан сўзлаш!» - деб амр қилган эканлар.1 Албатта, сўфийлар учун ҳам, ҳар бир инсон учун одамлар билан яқин алоқада бўлиш ва сўзлашишда маъно кўп. Одамлардан ажралиб яшаш, гўшанишинлик ҳамма вақт доно кишилар томонидан қораланган.

Мазкур асарнинг кейинги ўринларидан бирида Шайх Абубакр Каттоний ҳақида сўз боради. Бу Шайх Жунайд Боғдодийнинг ҳамсуҳбатларидан бири бўлган. «Сўфийлар зоҳирда қул, ботинда ҳурдирлар» деган ажойиб бир ҳикмат унга нисбат берилади. Унинг яна бир машҳур гапларидан бири: «Дунё учун танинг билан, охират учун қалбинг билан машғул бўл!»

Ўз даврининг шайхул-исломи Шайх Абубакр Каттонийни Пайғамбар с.а.в.нинг шогирди деб атар эканлар. Чунки у пайғамбар с.а.в.ни жуда кўп маротаба тушида кўрган, ҳатто унинг қайси кеча ва қайси кун тушида кўришини ҳам олдиндан билар, унинг қийин саволларига Пайғамбар с.а.в. қандай жавобларни берганини айтар экан. «Шайхул-ислом дебдурким, Шайх Абубакр Каттонийни Пайғамбар с.а.в.нинг шогирди дебдурлар. Баски, ул ҳазрат (Муҳаммад с.а.в.)ни тушда кўрар эрди ва билур эрдики, қайси кеча ё қайси кун туш кўргусидур. Андин мушкилот жавоб айтар эрди.2

Шундай тушларнинг бирида эса пайғамбаримиз Мустафо с.а.в. Шайх Абубакрга шундай деган эканлар: - «... ҳар киши ҳар кун қирқ бир қатла айтсаким: «Ё Ҳай, ё Қайюм, ё ло илоҳа илла анта», чун кўнгуллар ўлгай, анинг кўнгли ўлмағай».3

Бундай тушлар тасодифий бўлмай, бу улуғ инсонларнинг бутун руҳи, вужуди кечаю кундуз илоҳий ғоя ва қарашлар, умид ва орзулар билан яшаганларини кўрсатади.

Сўфийларнинг иккинчи табақасига мансуб Шоҳ Шужоъ Кирмоний ҳақида ҳам ғаройиб маълумотлар мавжуд. Шоҳ Шужоъ ўзи подшоҳлар авлодидан бўлса ҳам, аммо кўнглининг мойиллиги тасаввуф томонга кучлироқ бўлган. Кунларнинг бирида эса у кўзи уйқуга илинганда «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло (Оллоҳ)ни туш» кўради ва уйғониб кетгандан кейин шу тўғрида арабча байтни айтиб юборади. Бу байтнинг мазмуни бундай:

Эй кўзимнинг сурури, сени тушимда кўрдим;

Ўша лаҳзадан бери уйқуни яхши кўрадиган бўлиб қолдим.4

Бу ҳақда Навоий яна шундай дейди: «Андин сўнгра доим уйқу тилар эрди, ё они уйқуда кўрарлар эрди, ё ётмоқ таҳиясида».5

Шу мисолларнинг ўзи ҳам туш соҳаси нақадар сирли ва мураккаб эканини намоён этиш билан бирга, унинг талқинларига ҳам эҳтиёткорлик билан ёндошишни тақозо этади.

---

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том, Тошкент, 2001, 61-саҳифа.
2. Ўша китоб, 125-саҳифа.
3. Ўша китоб, 125-саҳифа. Арабча жумла мазмуни: «Эй Ҳаёти абадий, эй - сен мангу Барқарор, (билки) Сендан бошқа худо йўқдир».
4. Ўша китоб, 63-саҳифа.
5. Ўша китоб, 63-саҳифа.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифадан келиб чиқиб Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Бадиий академия, Композиторлар уюшмаси, Давлат матбуот қўмитаси, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси «Қариялар - юрт кўрки, зийнати» деб номланган энг яхши публицистик ва бадиий асарлар танловини эълон қиладилар.

- Узоқ умр кўриш улуғ неъмат эканлиги;
- кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим, ҳамдард-ҳамнафас ва суянчиқ эканлиги;
- кексаларни эъзозлашдек азалий-миллий қадриятларимизнинг боқийлиги;
- бобожону бувижонларимиз Ватан, халқ, мустақил мамлакат манфаатлари, шаъни-шавкати учун ёшлар билан ҳамқадам, куйиб-пишиб, курашиб яшаётгани;
- тиниб-тинчимаслиги, соф қалби, эзгу ниятлари, гўзал фазилатлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётган ажойиб нуроний отахон ва онахонларимиз сиймоси ёрқин образ ва бўёқларда, хилма-хил шаклларда ва таъсирчан услубларда акс эттирилган энг яхши насрий, шеърий, мусиқавий, тасвирий ва публицистик асарлар танловга қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асарлар 2002 йил давомида матбуотда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бўлиши шарт.

Асарлар Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида шу йилнинг 15 ноябрига қадар қабул қилинади (Тошкент, Навоий кучаси, 30-уй. 2-қават. 37-38 хона. Тел.: 144-64-62, 144-37-87).

Танлов ғолибларини 2002 йил Конституция куни арафасида катта совринлар кутади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ(21.03-21.04)
Ишларингиз битиши учун қилаётган саъй-ҳаракатларингиз беҳудага кетмаслиги учун одамлар билан муносабатда самимий ва ростгўй бўлинг.

БУЗОҚ(22.04-20.05)
Аёллар диққатига: шу кунларда орзуингиздаги эркак билан танишишингиз мумкин. Бу учрашувга ҳаётингиздан қандай ўрин бериш ўзингизга ҳавола.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)
Келаси чоршанбагача ҳаёт бир маромда кечади. Айтарлик янгиликлар йўқ. Сиз ҳар доимгидек кўпчиликка ёқадиган, ишбилармон кишисиз

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Молиявий аҳволингиз ва кўнгил сирларингиздан қанча кам одам бохабар бўлса, шунча яхши. Айниқса, иш жойингизда оғзингизни «қулфланг».

АРСЛОН(23.07-22.08)
Шу кунларда сизга омад келтириши мумкин бўлган икки нарса бор: сабр ва бардош. Молиявий масалаларда ғирромлик қилманг. Шунда жавобгар ҳам бўлмайсиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бугундан эътиборан бутун куч-ғайратингизни жамоат ишларига сарфланг. Бу соҳадаги ишларингиз сизга катта обрў келтириши мумкин.

ТАРОЗУ(23.09-22.10)
Сафарга чиқиш имкониятингиз бўлса, бу ишни асло кечиктирманг. Сафардан кайфиятингиз кўтарилиб, куч-ғайратга тўлиб қайтасиз.

ЧАЁН(23.10-22.11)
Севги бобида тенгингиз йўқ. Айниқса, шу кунларда атрофингизда парвона бўлгувчилар беҳисоб бўлади. Ҳушингизни йўқотмасликка ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР(23.11-21.12)
Оилавий муносабатлари таранглашиб қолганлар шу кунларда бу ҳолни ижобий томонга ўзгартириш имконияти бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
«Ишдаги ишқ» можораси обрўйингизга хавф солиши мумкин. Бутун қолиятингизни ишга солиб, тўполоннинг олдини олишга ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА(20.01-18-02)
Атрофингиздагилар Сиз ҳақингизда қандай фикрда эканликлари шу кунларда яққол намоён бўлади. Камчиликларни бартараф этиш учун яхши имконият.

БАЛИҚ(19.02-20.03)
Шу кунларда юлдузлар Сизга жуда хайрихоҳлар. Қандай ишга қўл урманг, омадингиз чопиб, муаммоларни тез ҳал этасиз.

САБОҚ

ВИЖДОН АЗОБИ

«Бу мактубни шифохонадан йўллаяпман. Ҳаммасига ўзим айбдорман... Дўстим Алижон билан бир қишлоқда туғилдик ва бир мактабда таҳсил олдик. У ўқишни «олтин» медалга битирди. Мақсадимиз қишлоқдан анча узоқда бўлган марказга бориб ўқиш эди. Алижон билан бирга Тошкентга келдик. Олийгоҳлардан бирига ўқишга кириб, ҳатто бир факультетда таҳсил олдик. Бу ерда ҳам дўстим ўзининг зеҳни ўткирлиги ва қобилиятлилиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Қўлидан келса барча талабаларга ёрдам берарди. Менга унинг бу иши ёқмас эди... Унга ҳасад қилардим.

Талабалик ортда қолди, институт йўлланмаси билан шаҳардаги корхоналардан бирига бориб, ишлай бошладик.

Уч-тўрт ойдаёқ, дўстим ўзини ишда кўрсата билди. Уни бўлим бошлиғи этиб тайинлашди. Менда унга нисбатан ғайрлик ва ҳасад авж олди.

Ўзимни унга яқин дўстдек тутишга ҳаракат қилиб, унга бўлган салбий муносабатимни эса сездирмас эдим.

Гоҳ-гоҳида унинг иш столидан ҳисобот ҳужжатлари ва шунга ўхшаш нарсаларни пайт пойлаб олиб яшириб қўяр эдим. Сўнг у билан бирга ҳатто ўша нарсаларни қидиришардим.

Кейинроқ муҳим ҳужжат қоғозларини олиб қўйиб, ёқиб юборадиган одат чиқардим. Бу касаллик, янада авж олиб, энди унинг устидан турли иғво ва бўҳтон, юмалоқ хатлар ёзиб, юқори ташкилотларга юборадиган одат чиқардим. Бундан сўнг бир неча кунлаб текшир-текширлар бўлиб ўтар, мен эса ичичимдан қувонар эдим.

Бир сафар юқори ташкилотдан келган раҳбар мажлис ўтказиб, уни бошқа бир корхонага бошлиқ этиб тайинлашганлигини айтиб кетди. Алижон янги жойда иш бошлади, мен эса ҳамон ўша жойда оддий ходимлигимча қолдим. Ўша кезлари, ундаги бу ютуқ ва ҳурматни кўриб кечалари уйқум қочди. Бора-бора уйқусизлик касалига мубтало бўлдим. Бормаган табиб ва кўрсатмаган шифокорим қолмади. Аввалига шифохонада махсус аппаратлар ёрдамида кундуз куни келиб, бир-икки соат ухлаб кетадиган бўлдим. Бу ҳам етмагандек, мана ҳозир икки оёғим ишламайди. Ўрнимдан туролмайман. Бечора дўстим Алижон бу ерда эканлигимни билиб, уч-тўрт маротаба келиб, кўриб кетди. Ҳатто, камёб дориларни топиб, бериб юборибди.

Қилган ишларимдан энди қаттиқ пушаймонман. Худо менга кўрсатди. Шу кунларда виждон азобидан қийналмоқдаман.

Алижонни чақиртириб унга барча қилган ишларимни айтиб берсам, у мени кечирармикин?

Сизлардан маслаҳат сўраб Умиджон.»

Азизлар, Ислом - эзгулик динидир. Эзгуликни катта кичиги йўқ, бунда эътиқод соф бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Яхшилик қилиш билан бир-биримизнинг муҳаббатимизни қозонибгина қолмай, балки, Яратганнинг раҳматига сазовор бўламиз. Қуръони каримда: «Яхшилик қилинглар, албатта Аллоҳ таоло яхшилик қилувчиларни севади», деб марҳамат қилинган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларида: «Аллоҳдан қўрқиш - барча ҳикматнинг боши» деб марҳамат қиладилар. Бундай сифатга эга бўлган кишилар ҳалол ва пок яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратни ўйлаб, ўзгалар ҳақига хиёнат қилмайди.

Лекин, жамиятимизда, оз бўлса-да ҳасадгўй, иғвогар, ўзгалардаги қувончу, ютуқларни кўролмай, бахиллик қиладиганлар учраб туради. Азизлар агарда яхшилик қилиш қўлимиздан келмаса, бошқаларга ёмонлик қилишдан ўзимизни тийсак, бу ҳам бир яхшиликдир. Биламизки, яхши иш ва амаллар қилишлик билан инсонлар орасида бир-бириларига нисбатан самимий муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром уйғонади.

Кунлардан бир кун Луқмони Ҳаким ўз ўғилларига: «Ёмонликни ёмонлик қайтаради дегувчилар ёлғончилардир! Агар ростгўй бўлсалар икки жойга олов ёқиб, бири билан иккинчисини ўчирсинларчи. Ҳақиқатда эса ўтни сув ўчиргани каби ёмонликни ҳам яхшилик қайтаради» - деб насиҳат қилган эканлар.

Ислом адолат дини сифатида инсонларни меҳру оқибатли бўлишга даъват этади. Бу борада Қурони каримда: «Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошларга яхшилик қилишга буюрар ҳамда бузғунчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур...» дейилур. («Наҳл» сурасининг 90-ояти).

Аллоҳ ббарчамизни сахий қалб, олий ҳимматли, ўзгаларга мурувватли ва меҳру шафқатли бўлишдек улуғ инсоний фазилатларга эриштирсин.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари Идораси раисининг ўринбосари.

ҲИСОБ - КИТОБДА БИЛИМ ЗАРУР

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ижобий янгиланишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг асосий самарадорлиги кўп жиҳатдан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, кўчмас мулк ва хомашё биржалари орқали фаолият кўрсатиш, банк тизимини такомиллаштириш, ички имкониятимиз ва хорижий сармояларни фонд бозорлари орқали иқтисодиёт тармоқларига жалб қилишга боғлиқ.

Бозор иқтисоди инфратузилмаси нима? У аввало, шу соҳага таалуқли товар хомашё, кўчмас мулк ва фонд биржалари, бизнес фондлар, бизнес инкубатор ва тадбиркорлар палаталари, депозитарийлар, хусусийлаштириш инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари ва брокерлик идоралари каби кўпдан-кўп янги тизимлар мажмуидир.

Бу каби замонавий иқтисодий тизимларда ишлаш учун янги касб мутахассислари яъни маклер, брокер, аудитор каби замонавий касб эгаларини тайёрлаш зарур.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган бизнес мактаблари, шунингдек, Тадбиркорлар палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси сингари бир қатор ташкилотларнинг фаолияти ана шу талабларни имкон қадар қондиришга қаратилгандир.

Хусусан, 1999 йилда Бухорода очилган Республика бухгалтерлари ва аудиторлари ассоциацияси вилоят бўлимининг асосий вазифаси - жойларда бухгалтерлик ва аудиторликка тайёрлашни жаҳон андозаларига мослаштириш, шунингдек, мазкур соҳалар мутахассислари хизмат вазифаларини бажаришда ўз ихтисослиги бўйича ҳимояланишларини таъминлаш борасида амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Шу ўринда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларини ягона жаҳон андозаларига мослаштириш осонмикин, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, оддийгина тушунтирадиган бўлсак, ҳозирги кунда дунё бухгалтерлари бир-бирлари билан ҳар хил «тил»ларда муомала қилади. Яъни, бир мамлакатда тузиладиган ҳисоботлар, молиявий натижалар ҳужжатлари бошқа мамлакатлар бухгалтерларига тушунарли эмас.

Эндиликда чет давлатлар билан турли соҳалар бўйича ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда. Зотан, бундай яқин ҳамкорликдан ҳар икки томон бирдай манфаат кўради.

Шундай вазиятда хорижлик сармоядор юртимиздаги бирор-бир бир корхона билан ҳамкорликда иш бошлаш мақсадида унинг балансини ўз кўзи билан кўриб, мавжуд имкониятларни ўрганиб чиқмоқчи, дейлик. Бунда, худди кейинги йилларда инглиз тили жаҳон ишбилармонларининг умумий тили бўлиб қолганидек, ягона бухгалтерия андозаси тадбиркор шерикларга жуда қўл келиши табиийдир.

Шу боис «Аудиторлар фаолияти тўғрисида»ги Қонунда жойларда сертификатга эга бўлган бухгалтер ва аудиторларни ўқитиш учун махсус ўқув марказлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Сертификатга эга бўлган бухгалтер олий маълумотли, ўз касби бўйича камида беш йиллик иш тажрибасига эга, ҳозирги куннинг молия ва солиқ тизимини пухта биладиган, замонавий ўқув дастурлари асосида таҳсил олган, халқаро бухгалтерия стандартларини ва корхона молиявий ҳолатини чуқур тушунадиган мутахассисдир.

Бухгалтерларнинг Сертификат олиши учун Молия вазирлиги томонидан 200 соатлик таҳсилдан иборат махсус ўқув дастури тасдиқланган. Бунда дарсларни ўтишга халқаро сертификатлар соҳиби бўлган юқори малакали аудитор ва бухгалтер ўқитувчилар, олимларни жалб этишга алоҳида эътибор берилади.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларидаги шундай ўқув марказларида таҳсил олган мутахассисларга бир хил намунадаги гувоҳнома берилади. Ўқув марказларининг битирувчилари белгиланган муддатларда Квалификация комиссияси аъзоларига имтиҳон топширади. Имтиҳон саволларига камида 75 фоиз тўғри жавоб берган ҳолларда Сертификат олиш имконига муяссар бўлади.

Квалификация комиссияси мамлакатимизда ягона бўлиб, унинг аъзолари асосан халқаро сертификатларга эга малакали аудиторлар ва бухгалтерлар, Молия вазирлиги, Марказий банк вакилларидан таркиб топган. Комиссиянинг асосий вазифаси юртимизда малакали бухгалтерлар ва аудиторларни халқаро андозаларга мос ва хос ягона тартиб ҳамда тизимлар бўйича тайёрлашни янада такомиллаштиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозир турли корхона, ташкилот ва муассасалар, акциядорлик жамиятларида ва ҳатто маҳаллалар, фуқаролар йиғинларида ҳам бухгалтерия ишларини пухта юритадиган, солиқ ҳисобларини, молиявий натижаларни тўғри ҳисоблаб берадиган малакали бухгалтерларнинг ишлаши айни муддаодир. Шундай экан, Ассоциациямиз, шунингдек, жойлардаги махсус ўқув марказларининг бугунги кундаги фаолияти шундай кадрларга бўлган эҳтиёжни имкон қадар таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Сайфулло ҲАИТОВ,
Бухоро вилояти Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси раиси, иқтисод фанлари доктори.

«ХОТИРА » КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида «Хотира» деб номланган кўргазма очилди.

9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган мазкур кўргазма Ўзбекистон Давлат тарих музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унга қўйилган ўттизга яқин асарда иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ва фронт ортида жасорат кўрсатган ҳамда шарафли меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Картиналар орасида Ўзбекистон халқ рассомлари - Чингиз Аҳмаров, Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев ва бошқаларнинг халқимизнинг машҳур саркардалари, олим ва санъаткорлари, шоир ва ёзувчилари сиймоси акс эттирилган асарларига кенг ўрин берилган.

КЎНГИЛ ИЛИНЖИ

Абдулла СОДИҚОВ 1969 йилда Ургут туманидаги юксак тоғлар қўйнида жойлашган Зинак қишлоғида туғилди. Шу ерда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатди. Сўнгра ҳарбий бурчини ўтаб қайтди. Уйланди...

Бироқ 1992 йил... уйланганидан сўнг олти ой ўтгач, бир дард уни тўшакдан турғизмай қўйди. У полвон эди - афсуски, оғир-оғир тошларни энди тушларида кўтаради. У санъатга, шеъриятга иштиёқманд эди ва ҳамон тинмай ўқийди, соҳир шеърлар ёзади...

Ўн йилдан бери унинг овунчоғи, суянчи ёлғиз ўғли Завқи ва қатор-қатор китоблар. Абдулланинг бу дардни енгиб яшашига сабаб, унинг иродасининг кучлилиги, кўнглининг кенглиги, қолаверса энг асосийси, китобларга, айниқса шеъриятга иштиёқидир. У кўплаб шеърлар, ҳажвиялар ёзган. Буларнинг анчагинаси республика матбуотида чоп этилган. Унинг кўнгил илинжи, ҳаётининг мазмуни аслида ҳам шудир!..

ТОПМАДИМ

Бахтимиздан ёдгор ёлғиз зурриёд,
Кетарман азизам қилма ҳеч фарёд.
Соғинсанг гар ушбу шеърим этгин ёд,
Руҳим менинг шунда бўлар беҳад шод.

Кўрдим пулу зар йиғдим деганни,
Кўрдим бойлик қолиб ўзи кетганни.
Бу бўлсин сабоқ - йиғма кўп дўстим,
Кўрдингми гўрда ётиб еганни.

Нафс талабин ўлдир, қадр бўлур тилло,
Нафс қули қулгичдур элда ҳойна-ҳой.
Пандимга қулоқ сол бир зум, Абдулло,
Йўқса эл ичинда тенгсан хоку пой.

Шодлик изладим қисматни варақлаб,
Дейдилар яралган ўзи шодлик кам.
Кетма-кет келар дард, кулфат йўқлаб,
Шу кам шодликни топмадим бир дам.

РАҲМ ЭТДИ

Оллоҳдан тилаб эрдим, бир барно ёшгина,
Рўпарў қилди Оллоҳ, бир қалам қошгина.

Учрашдик, бу сафар биз қолдик ғафлатда,
Укаси тутиб қилди сиримиз фошгина.

Отаси деди: қилгум зулм қизимдан кеч,
Ўлдир дедим: йўқса мен унга йўлдошгина.

Жабру жафо солди оҳ бу ғариб бошима,
Кечмадим, сўнг раҳм этди у бағритошгина.

Тўйимизга бўлдилар бир овоздан рози,
Қавму қариндошлари қуриб кенгашгина.

Абдулла СОДИҚОВ

Янгисидан бор...

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ,
Акмал САИДОВ,
Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Эркин БОҚИБОЕВ,
Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ,
Раҳмон ҚЎЧҚОР,
Бахтиёр РИЗАЕВ,
Шухрат РИЗАЕВ,
Шавкат ЎРАЗАЕВ Таъберди ҚУРБОНОВ,
Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-427

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Топширилди—20.30